

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**127** Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2139-1*

*(2011 йил 7 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида **бюраман:**

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2010 йил 26 августдаги 7-ю/б-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2139, 2010 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 35-36-сон, 309-модда) билан тасдиқланган «Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмаларни тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 16 март,  
9-мх-сон

Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлиги бош директорининг 2011 йил  
16 мартдаги 9-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод»  
фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги  
низомига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 4-банд «Фондга» деган сўздан кейин «ва тегишли давлат солиқ хизмати органларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 7-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7. Ажратма тўловчилар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ва Фондга йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорасидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда ҳисобланган мажбурий ажратмалар тўғрисидаги маълумотларни ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ўсиб боровчи якун билан корхона мухри, раҳбари ва бош ҳисобчиси имзолари билан тасдиқланган ҳолда, шахсан ёки почта (электрон почта) ёхуд факс орқали тақдим этиб боради».

3. 8-банддаги «5» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин.

4. 9-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ҳисобланган пеня миқдори умумий қарз суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим».

5. Қуйидаги мазмундаги 12-1-банд билан тўлдирилсин:

«12-1. Мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ва белгиланган муддатда тўланиши учун ажратма тўловчилар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардир».

6. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фонди ижро этувчи дирекцияси билан келишилган.

*Молия вазири*

*2011 йил 17 февраль*

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

*2011 йил 17 февраль*

*Р. АЗИМОВ*

*Б. ПАРПИЕВ*

**127-128-моддалар**

**— 78 —**

**12-13 (460-461)-сон**

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ШАЙХОВ*

*2011 йил 17 февраль*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
ҳузуридаги «Ижод» фонди ижро  
этувчи директори*

*А. АДIZОВ*

*2011 йил 17 февраль*